

РАСМИЙ МУНОСАБАТ

Бугун ижтимоий тармоқларда “Хайрулло Бозоров чин етим боланинг 76 млн сўмлик ипотека кредитини тўлаб берди” сарлавҳали материал эълон қилинди. Ушбу материал юзасидан вилоят ҳокимлиги томонидан қўйидагилар маълум қилинади:

Ота-она меҳридан маҳрум ва ногиронлиги бор болаларни қўллаб-қувватлаш, уларни жамиятнинг фаол аъзолари сифатида тарбиялаш бугунги кунда Мухтарам Президентимиз раҳбарликларида олиб борилаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбари Меҳрибонлик уйларидаги болаларни оиласга яқин муҳитда тарбиялаш, билим ва маънавиятли, ватанпарвар инсонлар этиб вояга етказиш масаласига катта эътибор қаратиб келмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5216-сон қарори ҳам бу тоифадаги болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизmlарини янада такомиллаштиришга қаратилган.

Ушбу қарорга асосан 18 ёшга тўлган, уй-жойга муҳтоҷ етим болаларга янги қурилган уй-жойлар белуп ажратиб борилади, бунинг учун жорий йилнинг ўзида бюджетдан 120 миллиард сўм йўналтирилади.

Қарор билан 2021 йилда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун уй-жой харид қилишнинг мақсадли параметрлари белгилаб берилган бўлиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси бюджетидан ҳамда маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан Фарғона вилоятида 26 та бундай уй-жойлар харид қилиниши белгилаб берилган. Марғилонлик чин етим фуқаронинг уй-жой учун ипотека кредити тўлови ҳам ана шу қарор доирасида амалга оширилган бўлиб, буни вилоят ҳокими номи билан боғланиши нотўғри экани маълум қилинади.

Оммавий ахборот воситаларидан ва ижтимоий тармоқдаги каналлардан расмий манбага эга бўлмаган бундай ахборотларни тарқатмаслик сўралади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-10-04 18:43:39